

Инфоқ қилинг!



17:20 / 16.04.2020 1928

Аллоҳ азза ва жалла Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

«Ўзингиз яхши кўрган нарсадан инфоқ қилмагунингизча ҳаргиз яхшиликка эриша олмассиз. Ниманики инфоқ қилсангиз, Аллоҳ уни албатта билувчидир» (Оли Имрон сураси, 92-оят).

Бир гуруҳ муфассир уламоларнинг фикрига кўра, бу ояти каримадаги «яхшилик»дан мурод жаннатдир, яъни ўзингиз яхши кўрган нарсадан инфоқ қилмагунингизча яхшиликка, яъни жаннатга эриша олмайсиз.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади:

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтади:

«Мадинада хурмоси энг кўп ансорий Абу Талҳа эди. Мол-мулкининг унга энг суюклиси эса Байруҳо боғи бўлиб, у масжиднинг рўпарасида эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга кирар, у ердаги қудуқнинг ширин сувидан ичар эдилар. «Ўзингиз яхши кўрган нарсадан инфоқ қилмагунингизча ҳаргиз яхшиликка эриша олмассиз» ояти нозил бўлганда Абу Талҳа: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ таоло «Ўзингиз яхши кўрган нарсадан инфоқ қилмагунингизча ҳаргиз яхшиликка эриша олмассиз», демоқда. Мен учун мол-мулкнинг энг суюклиси Байруҳо эди, у Аллоҳ учун садақа бўлсин! Унинг Аллоҳ ҳузурида яхшилик ва захира бўлишини

умид қиламан. Эй Аллоҳнинг Расули, уни Аллоҳ сизга кўрсатган жойга сарф қилинг», деди. Шунда Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Воҳ! Бу жуда катта мол-ку! Айтган сўзингни эшитдим. Уни қариндошларингга берсанг, дейман», дедилар. Абу Талҳа: «Шундай қиламан, эй Аллоҳнинг Расули», деди ва уни қариндошлари ҳамда амакиваччаларига тақсимлаб берди».

Азиз биродарим, сиз ҳам умрингизда ақалли бир марта мана шу ояти каримага амал қилинг! Ўзингиз севган, яхши кўрган нарсангизни Аллоҳ учун садақа қилинг, инфоқ қилинг, шояд оятда айтилган яхшиликка – жаннатга шу ила ноил бўлсангиз.

Нодирбек Хидиров